



Ўзбекистонда тадбиркорлик институтининг шаклланиши ва ривожланиши тарихи (1924-1931 йилларда).

Қодиров Абдурахмон Турсунович
Турон Университети Андижон филиали
Тарих факультети 1-курс магистри.

Аннотация. Рақамли иқтисодиёт ва жаҳон иқтисодий тизими жараёнлари жадаллашган шароитда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва унинг ривожланиш истикболлари бўйича муаммоларни илмий тадқиқ этиш жараёни кучайган. Шу боисдан тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиш истикболларини таъминлаш узлуксиз жараён бўлиб, ҳаётий аҳамият касб этади.

Калит сўзлар: тадбиркорлик, тадбиркорлик фаоллиги, кичик тадбиркорлик субъектлари, тадбиркорлик фаолияти, тадбиркорликни ривожлантириш истикболлари.

Бугунги инновацион ва рақамли иқтисодиёт, шунингдек, янгиланаётган жамиятда тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши бозор иқтисодиёти шаклланиши ва тараққий этишига, шунингдек, рақобатбардош иқтисодиётнинг самарадорлик даражаси ва бозор ислохотларининг муваффақиятлилик даражасига таъсир этувчи энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонининг туб моҳияти ҳам мамлакат ижтимоий- иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш, тадбиркорликни янада ривожлантиришни назарда тутади. Тараққиёт стратегиясида кўзда тутилган энг муҳим вазифалардан бири макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, давлат бюджети тақчиллигини қисқартириш, саноатнинг етакчи тармоқлари ва иқтисодиётни янада либераллаштириш, иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш, хусусий секторга кенг йўл очиш ва унинг устувор мавқе ини янада кучайтириш, иқтисодий муносабатларда эркин бозор тамойилларини жорий этишни кенгайтириш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш ва таркибий ислохотларни давом



эттиришдан иборат. Мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорликка кенг имкониятлар яратиш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Юртимизда фаровонлик ва тараққиётга эришиш йўлида тадбиркорликни ривожлантириш, кўллаб-қувватлашга эътибор қаратилгани бежиз эмас. Зеро, фақат шу йўл билан аҳоли фаровонлиги ошиб, иқтисодиёт янада ривожланади. Юқоридаги гапларнинг исботи ўларок, Президентимиз раҳбарлигида жорий йил 22 август куни тадбиркорлар билан ўтказилган очиқ мулоқотни келтиришимиз мумкин. Давлат раҳбари унда соҳа вакилларини кўллаб-қувватлаш юзасидан 5 та йўналишда ташаббусларни билдириб ўтди. Шулардан бирини айтиб ўтадиган бўлсак, 2023 йил 1 январдан бошлаб кичикдан ўрта бизнесга ўтган корхоналар икки йил давомида фойда солиғининг фақат 50 фоизини тўлайди. Шунингдек, мулкни суғурта қилиш харажатларининг 50 фоизи давлат ҳисобидан қоплаб берилади. Бу эса ўз навбатида, тадбиркорликка янада кенг йўл очади ва уларнинг сони кун сайин ошиб боради. Ҳаммамизга маълумки, ҳозирги даврда ватанимиз Янги Ўзбекистонда бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналтирилган “Ўзбек модели”ни қурмоқдамиз. Албатта, бу ўта муҳим стратегик жараёнда тадбиркорлик – ўзининг янгиликларини тўхтовсиз жорий этиш орқали, кўзланган иқтисодий тараққиётни таъминловчи етакчи кучдир. “Тадбиркорлар фаолиятини жадал ривожлантириш, жамиятимиз тараққиёти ва фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам таянчи, иқтисодиётимиз барқарор ўсишининг энг муҳим кафолатидир”. “Биз миллий иқтисодиётимизда ҳақиқий бозор муносабатларини жорий этиш, шу асосда мамлакатимизни тараққий эттириш учун тадбиркорларга бундан буён ҳам барча шароитларни яратиб берамиз. Нега деганда, тадбиркор – иқтисодиётнинг, ислохотларимизнинг асосий таянчи ва локомотивидир”. “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида тадбиркорлик учун зарур шартшароитлар яратиш бирламчи вазифа деб белгиланади”. Ҳозирги даврда мамлакатимизда белгиланган иқтисодий ислохотларни жадал амалга ошириш мақсадида давлатимиз бошқарув органлари томонидан тадбиркорлик фаолиятининг барча кўринишларини ҳамма соҳалар бўйича кўллаб-қувватлаб келинмоқда. Албатта, бунинг самарали



ишлаш механизми ишлаб чиқилган ва тобора такомиллаштириб борилмоқда. Бу чора-тадбирлар учун ҳукумат томонидан етарли ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилинган. Шунга биноан, мамлакатимизда йилдан йилга тадбиркорлик мухитини яхшилаш, уларга кенг имкониятлар бериш, қўллаб-қувватлаш мақсадида кўплаб ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда. Ваҳоланки, бу жараёнда қатнашиб, Марказий Осиёда фаолият олиб бораётган тадбиркор инсон иқтисодий тараққиётидаги ўтмишини ҳар томонлама билиб олиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу албатта, шу куннинг тадбиркорига биргина ўзининг эмас, балки ижтимоий тараққиётнинг замини бўлган зарур назарий ва амалий кўникмалар билан қуролланишига ёрдам беради. Шундай фикрлашдан келиб чиқиб, Ўзбекистонга хос тадбиркорлик концепциясини батафсил ишлаб чиқиши, унинг тарихий, социал-иқтисодий илдизларини ўрганишни тақозо этади. Методологик жиҳатдан олиб қаралганда, ўрганилаётган мавзуга бундай ёндошиш, мамлакатимиздаги тадбиркорлик эволюциясини етарлича ёритишга кўмак беради. Шунга кўра, мақолада Ўзбекистонда тадбиркорлик эволюцияси бешта босқичга бўлинган. Бинобарин, келажакда ушбу ўрганилган ҳар бир босқичнинг ўзига хос хусусиятлари, ютуқ ва камчиликлари, шунингдек таъсир этган омилларнинг сабаб ва оқибатлари чуқур ўрганилиб, инобатга олинishi, мамлакатимиз келажакдаги тадбиркорлик структураларининг стратегиясини шакллантирилишида, бир сўз билан айтганда, қандайдир аҳамият касб эта олса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Буларнинг ҳаммаси, ўрганилаётган мавзунинг долзарблигидан далолат беради. Тадбиркорлик фаолиятининг вужудга келишида, минтақанинг иқтисодий географиясида ўз ифодасини топган бозор муносабатларининг эволюцияси муҳим роль ўйнаган. Бошқача қилиб айтганда, бунга минтақада ишлаб чиқариш кучларининг жойлашуви билан тарихан ўзаро, узвий боғлиқ ҳолдаги, турли даврларда шаклланиб келган иқтисодий географияси асос бўлган. Асосий манба бўлиб “Осиё ишлаб чиқариш усули”, яъни дехқончиликда моддий бойлик яратишда ерларни суғоришга бевосита боғлиқлиги муҳим роль ўйнаган. Бинобарин, бу шарт - бозор муносабатларининг ривожланишида ва тадбиркорлик фаолиятининг “келиб



чиқиши”да ва турли даврларда иқтисодий манбааларнинг заминларидан бири бўлиб хизмат қилган. Бу албатта, катта аҳамиятга моликдир. Бошқача сўзлар билан айтганда, айнан шу шароитда, ишлаб чиқариш кучларининг ўсиши, ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиши билан, ўзаро равишда домий таъсирда бўлиб келган. Айнан шу заминда, тадбиркорлик “куртак” формасидан пишиб етилган фаолият кўриниши даражасигача етган ва социал-иқтисодий тараққиётни таъминловчи етакчи кучига айланган. Бинобарин, Ўзбекистон иқтисодиётида ҳозирги даврдаги тадбиркорлик фаолиятининг қарор топиши - бу узоқ даврлардан буён давом этиб келган социалиқтисодий муносабатлар ривожланиши эволюциясининг натижасидир. Бу жараён асрлар мобайнидаги тадбиркорлик эволюциясининг ривожланишида бир нечта ишлаб чиқариш усуллари босиб ўтган. Аниқлашимизга кўра, илмий адабиётларда Ўзбекистонда, шу билан бир қатор да Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида ҳам, тадбиркорлик фаолиятининг вижудга келиши ва ривожланишини босқичларга бўлиш масаласида ягона ёндошувни учратамиз.

Хулоса. Таъкидлаш лозимки, тадбиркорлик соҳаси фаолиятини кенгайтириш аҳоли турмуш даражасини оширишда муҳим роль ўйнайди. Тадбиркорликни ривожлантириш иқтисодий ўсишнинг ҳамда ўрта мулкдорлар синфини истиқболли ривожлантиришнинг муҳим омили сифатида нафақат жамиятнинг миллий ва маънавий салоҳиятини оширишга кўмаклашади, балки миллий бойликни кўпайтириш, иқтисодиётнинг жаҳон тизимига уйғунлашувини ҳамда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлайди. Бунинг учун эса тадбиркорлик фаолиятини кенг жалб қилишга қаратилган қонунлар, фармонлар, қарорлар ишлаб чиқилди. Тадбиркорлик фаолиятини қўллабқувватлаш, барқарор ривожланишини таъминлаш, ишлаб чиқариш ва аҳоли бандлигини таъминлашдаги улушини ошириш, кредит ресурсларига бўлган эҳтиёжни қондириш каби йўналишларда тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Фойдаланган адабиётлар:



1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъиян давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.:”Ўзбекистон”, НМИУ,2017.-68 бет.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 28.01.2022 йил ПФ-60-сонли фармони. //http://lex.uz

3. Хаджимуратов А.А. “Ўзбекистонда тадбиркорлик эволюцияси”. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” (Economics and Innovative Technologies) илмий электрон журнали- 4/2022, июль-август (№ 00060).

4. Жўраева Ш. У. - Тошкент давлат иқтисодиёт университети докторанти “Тадбиркорликнинг жамиятда тутган ўрни ва ривожлантириш истиқболлари”.Иқтисодит ва таълим журнали./ 2023-йил 3-сон.

